

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING
QARORI

196 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Монтаж ва махсус қурилиш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 27 февралдаги ПҚ–2136-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Монтаж ва махсус қурилиш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 27 февралдаги ПҚ–2136-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари уюшмаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 18 августдаги 400-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 25 апрель,
104-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 25 апрелдаги 104-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 14 апрелдаги 181-сон қарорида:

а) 1-иловада:

«Аскарров М.А. — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раиси», «Исаев А.Н. — «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси раиси» сўзлари тегишли равишда «Турдиев У.Т. — Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси раисининг ўринбосари», «лавозимига кўра — «Ўзмахсусмонтажқурилиш» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Улашов Б.С. — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлар қўмитаси раисининг ўринбосари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 18-банди иккинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари «Давлат рақобат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги 242-сон қарорига 3-илова матнидаги «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси» сўзлари «Ўзмахсусмонтажқурилиш» акциядорлик компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Архитектура ишлари ва қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекциясини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 5 ноябрдаги 296-сон қарорига илованинг «Мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари» бўлимидаги «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси» сўзлари «Ўзмахсусмонтажқурилиш» акциядорлик компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.